

АБУ ҲОМИД ГАЗЗОЛИЙ



# ТАВБА КИТОБИ



## **Абу Ҳомид Газзолий**

**Тавба китоби** (араб тилидан таржима).

Таржимон ва лугат тузувчи Рашид Зоҳид. — Т;  
«Мовароуннахр», 2003. — 148 бет.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари  
бўйича қўмитанинг рухсати билан чоп этилди.

Ушбу китоб улуғ имом, «хўжжатул-ислом» Муҳаммад ибн  
Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Ҳомид ат-Тусий ал-Газзолийнинг  
Байрутда нашр қилинган IV жилдлик «Иҳйоу улумид-дин»  
(«Дин илмларини жонлантириш») асаридан танланди.

Китобда тавба амали билан боғлиқ барча ҳолат-  
хусусиятлар Қуръон, ҳадис ва солиҳ салафларимизнинг  
сўзлари асосида батағсил ёритилган.

«Тавба китоби» дан ислом тарихи, иймон асослари ва  
тақво масалаларига қизиқсан кенг китобхонлар оммаси  
фойдаланишлари мумкин.



## ТАВБА САБОГИ

Жамики махлукоти ичра инсонни мукаррам этиб яратган, инсонлар ичида бизни мусулмонлар жумласидан қилган Оллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!

Инсонни жаҳолатдан маърифатга, зулмдан адолатта, ҳалокатдан нажотга бошлаган хидоят элчиси Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳис-саломга дуруд ва саловотлар айтамиз.

«Одам фарзандларининг барчаси кўп хато қилгувчиидир. Хато қилгувчиларнинг яхшиси тавба қилувчилариидир» – деб марҳамат қилади сўзлагувчиларининг энг ростгўйи Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам.

Демак, хато қилиш, адашиш бандага хос табиат. Ундан қочиб қутилишнинг иложи йўқ.

Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек:

*Зиндаги омад баройи бандаги,  
Зиндаги бебандаги шармандаги.*

Яъни:

«Тириклик шубҳасиз бандалиқдур,  
Бандаликсиз тириклик шармандаликдур»

Дарҳақиқат, банда борки, гуноҳдан холи эмас, муҳими содир этилган хатони тан олиш, уни ўз вақтида тузатиш. Бу иш эса, фақат тавба билангина амалга ошади. Зеро, Куръони Каримда зикр этилган мавзуларнинг барчаси жиддий эътиборга молик мавзулардир. «Тавба» айнан шундай марказий мавзулардан бири десак, янгишмаймиз.

Бинобарин, Оллоҳ Расулиниңг биз умматларга кўрсатган йўли ҳам тавба йўлидир. Ҳидоят тавба йўлидан бошланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобалари ҳам, улардан сўнггилар ва улардан сўнггилар ҳам шу йўлдан юрдилар. Агар тарихга назар солсангиз, уламо умматнинг бутун ҳаёти тавба сабоғидан иборат.

Хўжкатул ислом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Иҳйоу улумид-дин» асаридан олинган ушбу китоб ҳам том маънода тавба сабоғидан дарс берувчи қўлланмадир. Бу қўлланма бизни тавба жараёнига олиб киради, шу жараён ичида биз тавба нелигини, тавбасиз яшаш мумкин эмаслигини англаймиз, ниҳоят, тавба қилишни ўрганамиз.

Ғаззолийни тушуниш, унинг асарларини бошқа тилга таржима қилиш осон эмас. Табиийки, таржимон бу мушкулликни қайсиdir даражада англаган ва ишга масъулият билан ёндошган. Китоб учун тузилган луғат ҳам ишнинг муваффақияти, қолаверса, келажакда қилинадиган ишларга намуна бўларлик тажрибадир.

Азиз китобхон! Сўзимнинг сўнгига барчамизга тегишли бир савол бермоқчиман: «Устозлар тавба сабогидан дарс беришга шай, тайёрмисиз?!»

Мана Имом Фаззолий шогирдларига қандай насиҳат қиласди: «Эй илм толиби! Доимо Оллоҳ ёди билан бўл. Агар Оллоҳ ёди билан бўлмасанг, нафсинг илгидасан. Ёхуд сен муҳим санаётган фахминг, илминг, ёдинг, тобе бўлаётган имомминг, ҳар нарсадан устун қўяётган соғлигинг ёки шунга ўхшаш бошқа нарсалар сени бошқаражак. Агар амалинг Оллоҳ учун бўлмаса, илминг ҳам Оллоҳдан ўзгаси учундир...

Маънолар иборалардан қамровлироқ, қалблар таълиф қилинган китоблардан кенгроқдир. Илм изоҳга муҳтож. Қалб назарини энг чекка нуқталарга қарат. Шунда мақсад эшиги очилади. Уни дарҳол «тўғри» дейишдан сақлан. «Нотўғри» деб ҳукм чиқаришга ҳам шошилма. Назаринг яхшилангани сайин, чигалларинг ечилади, маънолар ойдинлашади. Кимда яхшилик ва ёмонликни омухта кўрсанг, яхшилигини ёйиб, ёмонлигининг узрли томонларини қидир. Иши фақат ифлос жойларга қўниш бўлган пашшадек бўлма. Бирорни хатода, жаҳолатда айблашга ошиқма. Балки бунинг ҳикмати кейинроқ очилар, балки ҳозир сен уни сезмаётгандирсан...»

**Анвар Турсун**  
*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ҳар бир ишда ўзининг борлиги ва бирлигини намоён этиб қалбларга нурли йўл солган Зот — Оллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин. Яратган эгамнинг дийдорига фақат салим қалб билан етиш мумкинлигини башорат этган ва бу йўлда инсониятга намуна бўлган ҳабиб Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломга, унинг ахли байтлари ва асҳобига салавоту саломлар бўлсин.

Хофиз ал-имомул-фақиҳ Абу Фазл Ироқий «Иҳйоу улумид-дин» («Дин илмларини жонлаштириш») китобига қилган «тахриж»<sup>1</sup> иниг муқаддимасида дейди: «Иҳйоу улумид-дин» ҳалол ва ҳаромни танитадиган улуғ китоблардан биридир. Унда жамланган ҳукмлар қалбларга йўналтирилган. Китоб ёлғиз фуруъ<sup>2</sup> ва масойил<sup>3</sup> билан чекланиб қолмаган. Шу билан бирга, соҳилга қайтиш имконсиз бўладиган даражада тубсизликка ҳам шўнғиб кетилмаган. Балки унда зоҳир ва ботин илми қоришиб, маънолар энг гўзал ўринларда мавжланади ва аниқ, тиник, нафис лафзлар ичра оқади. Бу оқимнинг сифати мўътадилликдир».

<sup>1</sup> Тахриж – маълум бир асарда келтирилган ҳадисларнинг ровийси ва санъат йўлларини аниқлаб, юзага чиқариш.

<sup>2</sup> Фуруъ – асосий масаладан келиб чиўувчи иккинчи даражали масалалар.

<sup>3</sup> Масойил – далиллар орқали ҳал қилинадиган муайян бир мавзудаги ишлар (масалалар).

лоҳ ҳам, унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга дуо-ю салавотлар айтурлар: Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар» (Аҳзоб сураси, 56-оят). Алий розийоллоҳу анхудан: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Номим зикр қилинганида менга салавот айтмаган одам ҳақиқий баҳиллар» (Термизий ривояти). Оллоҳнинг салавоти — раҳмат, фаришталарнинг салавоти — истиғфор. Яна айтиладики, Оллоҳ таолонинг салавоти бу Оллоҳ таолонинг фаришталар хузурида Пайғамбари миз Муҳаммад алайҳиссаломга айтган мақтови, фаришталарнинг салавоти эса дуодир.

**сидратул мунтаҳо** жаннат четидаги нилуфар. Бу ҳақда «Нажм» сурасининг 13-15-оятларида айтилади: «Қасамки, (Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил фариштани ўзининг аслий суратида) иккинчи бор (жаннат) четидаги нилуфар олдида кўрди. Жаннати маъво ҳам ўша (нилуфар)нинг олдидадир. Ўшанда нилуфрни ўраган нарса (яъни Оллоҳ таолонинг файзи илохийси) ўраб олган эди».

**таҳқиқ**

ҳақни юзага чиқармоқ, амалда исботламоқ

**тоат**

Оллоҳга итоат

<b>тараддуд</b>	иккиланиш, бир тўхтамга келол- маслик
<b>тўхтам</b>	иккиланиш батамом тўхтаб, шак тўла йўқолганидан кейин туғила- диган қатъий қарор
<b>фосид</b>	бузғунчи
<b>фосиқ</b>	шариат чегарасидан чикувчи
<b>халил</b>	ҳақиқий дўст. Халилуллоҳ—Ибро- ҳим алайҳиссаломнинг сифатлари
<b>хамр</b>	маст қилувчи ичимлик
<b>шахват</b>	кучли истак, нафсоний қувват. «Иштаҳа» ҳам шахватга ўзақдош сўз. Шахват дунё ҳосиласи бўл- гани учун уни: «дунёга иштаҳа билан ташланиш», деб таърифлаш тўғрироқдир.
<b>қасд</b>	мақсад
<b>ғанимат</b>	ўлжна
<b>ҳабиб</b>	севилган, яхши кўрилган зот. Ҳа- бибуллоҳ—Муҳаммад алайҳисса- ломнинг сифатлари
<b>ҳол</b>	вақт эътибори билан «ҳозир». Банданинг ҳозирги, айни пайтда- ги манзили. Айтиладики, ҳол — у ҳолатдан бу ҳолатга ўтиш, қалб- нинг ўзгариб туришидир. Яна ай- тилади, ҳол зойил бўлмайди, агар зойил бўлса, у ҳол эмас.

## МАНБАЛАР

1. Ал-мўъжамул-восит. Доруд-даъва. Истанбул, 1989.
2. Ал-мўъжамул-муфаҳрис ли алфозил-Куръон. Доруд-даъва, Истанбул, 1990
3. Ал-мунжид фил-луғоти вал-аълам. Мактабатуш-шарқийя, Байрут, 1986.
4. Ал-қомус ул-жадид. Тунис-Жазоир, 1985.
5. Иҳйоу-улумид-дин. Абу Ҳомид Ғаззолий. Дорул-иҳйо. Байрут
6. Китабул-имла фи ишқалатил-иҳйо. Абу Ҳомид Ғаззолий. Дорул-мисрийал-лубнанийя.
7. Риёзус-солихин. Мухъиддин Абу Закариё Ан-Наввий. Сантлада. М., 1993.
8. Русча-ўзбекча луғат. I-II т. Т., 1983.
9. Тайсир мусталаҳил ҳадис. Маҳмуд Тоҳҳон. Мактабатул-маориф, Ар-Риёз, 1987.
10. Тафсирул-Куръанил-азим. Имомуддин Абу Фидо  
Исмоил ибн Касир. Дорул-маърифат. Байрут-Лубнан, 1989.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981.
12. Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. Т., 1992.
13. Ҳадис ва ҳаёт. I-III жузъ. Шайх Муҳаммад Содик Қутиллаев. Т., 2003 й.

## МУНДАРИЖА

Тавба сабоғи .....	3
Сўзбоши ўрнида.....	6
<b>I. Боб. Тавбанинг моҳияти ҳақида .....</b>	<b>15</b>
Тавба нима? .....	16
Тавбанинг вожиблиги ва фазилати .....	18
Тавбага шошилиш вожиб .....	28
Тавбанинг ҳар қандай шароитда, ҳеч бир истисносиз вожиблиги.....	34
Шартлар тўлиқ бўлганида тавбанинг шубҳасиз мақбуллиги.....	50
<b>II. Боб. Кичик ва катта гуноҳлардан тавба қилиш..</b>	<b>61</b>
Гуноҳларнинг қисмларга бўлиниши ва банданинг сифатлари .....	62
Охиратдаги даражаларнинг дунёда қилинган яхшилик ва ёмонликларга кўра тақсимланиши .....	83
Кичик гуноҳни катта гуноҳга айлантирувчи сабаблар.....	118
<b>III. Боб. Тавбанинг мукаммал бўлиш шартлари ва унинг умр охиригача давом этиши .....</b>	<b>127</b>
Тавбанинг давомийлигига кўра бандаларнинг тоифаларга бўлиниши .....	162

Тавба қилувчи нималарга шошилмоғи лозим? .....175

**IV. Боб. Тавбанинг шифобахшлиги ва гуноҳдан  
тийилмаслик дардининг муолажа йўли ..... 189**

Луғат.....229

Манбалар .....237

